

ХБ

Хабар

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

15

(1073)

12-aprel

2013

www.xabar.uz

info@xabar.uz

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan



BankExpo-2013:

Янги хизматлар, технологиялар ва ечимлар намоиши



Мамлакатимиз банклари мижозларнинг янги авлоди талабларига жавоб берадиган юқори технологик ишланмалардан кенг фойдаланиб, замон билан ҳамнафас кадам ташламоқда. Бу саъй-харакатлар самараси ўлароқ, банкларимиз кифаси ўзгариб, хизмат турлари ва даражаси ошиб борапти. Соҳада янги замонавий технологиялар ва маҳсулотлар, хусусан, интернет-банкнинг, мобил-банкнинг, СМС-банкнинг каби банк-молия муассасалари ва мижозлар ўртасидаги муносабатларни юқори поғонага олиб чикувчи ахборот дастурлари жадал ривожланмоқда.

Шу йилнинг 10-11 апрел кунлари пойтахтимиздаги "Кўргазма Савдо Маркази"да ўтказилган "BankExpo-2013" банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари олтинчи анъанавий миллий кўргазмасида яна бир бор бу борада эришилаётган ютуқлар, ечимлар ва истиқболли лойиҳалар намоиши этилди.

2-бет

Алоқа оламида

Генрих Герц номидаги институт (Берлин) тадқиқотчилари 2011 йили маълумотларни оптик узатиш технологияси (Visible Light Communication/VLC)ни ишлаб чиқишган ва унинг тезлиги 800 Мбит/сонияни ташкил этганди.



Тадқиқотчилар ёруғлик нурланиши воситасида, турдош LED-ечимлар ёрдамида мазкур технологияни янада такомиллаштириб, унинг тезлигини 3 Гбит/сонияга етказишга муваффақ бўлишди. Муаллифлар бундай тезликка турли — қизил, кўк ва яшил ёруғлик тўлқинларидан бир пайтда фойдаланиш, шунингдек, бир алоқа канали частотасига Гбит/сония частотани қўллаш орқали эришилганини таъкидлашган.

Ушбу сонда:

- Бунёдкорлик завқи **3**
- Жосуслик дастури аниқланди **4**
- Қиролдан мерос Bluetooth **5**
- Аксакалы обзаведутся электронной почтой **6**
- Соғлом турмуш тарзи учун **11**
- Тил ўрганиш — дунёга дарча очишдир **16**

Сўнги янгилик!

Теледастурлар, спорт, сканворд

Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 апрел кунин Оқсаройда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси-ижрочи котиби Сергей Лебедевни қабул қилди. Оқсаройдаги суҳбат чоғида томонларни қизиқтирган масалалар, шу жумладан, Ҳамдўстлик органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, кўп томонлама интеграция жараёнини ривожлантириш истиқболлари ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5 апрел кунин Оқсаройда Халқаро оғир атлетика федерацияси президенти, Халқаро олимпиа қўмитаси аъзоси Томаш Аянни қабул қилди. Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистонда оғир атлетикани ривожлантириш истиқболлари, мазкур нуфузли ташкилот билан самарали ҳамкорликни янада мустақамлаш ва кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Тошкент шаҳрида 5 апрел кунин Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ташки ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Ҳамдўстликка аъзо давлатлар ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари халқаро сиёсат соҳасидаги ўзаро ҳамкорликка доир кўплаб масалаларни муҳокама қилдилар. Мажлисда гуманитар соҳада, хавфсизликни таъминлаш ҳамда ҳамкорликнинг бошқа йўналишларида давлатларaro ҳамкорликни ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилди.

Анъанага кўра, 9 апрел кунин пойтахтимиздаги Амир Темури хибобидан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди. Амир Темури хайкали пойга гуллар кўйилди.

Фарғонада ҳудудий sanoat ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтди. Тадбирда озиқ-овқат, тўқимачилик ва енгил sanoat, қурилиш материаллари, мебел, спорт жиҳозлари ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотлари ва хизматлари намойиш этилди, шу ернинг ўзига 10 миллиард сўмликдан ортиқ ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Самарқанд шаҳридаги "Хунармандлар маркази"да жорий йилги туризм мавсумининг очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Шаҳар ҳокимлиги, "Самарқанд — туризм макони" давлат унитар корхонаси ҳамда Республика "Хунарманд" уюшмаси вилоят бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда ўтган йилги сайёҳлик мавсумида меҳмонларга намунали хизмат кўрсатган сайёҳлик фирмалари, меҳмонхоналар, ошхоналар мутасаддилари, фаол гид-экскурсоводлар муносиб тақдирланди.

Бухоро вилоятида "Биз — бир жамоа, биз — бир оиламиз" акцияси бўлиб ўтди. Акция дастуридаги "Ҳаёт учун!" оммавий хайрия марафонидан беш мингта яқин иштирокчи қатнашди. Нафақат ёшлар, балки катталарда ҳам қизиқиб уйғотган акция "Ҳаёт учун!" футбол-шоуси ва эстрада хонандаларининг катта концерт дастури билан якуниланди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Кўرғазмада мамлакатимиз ва МДХ давлатларининг 30га яқин етакчи банк, молия ва инвестиция компаниялари ўз маҳсулотлари ва хизматлари ҳақида хикоя қилувчи стендлари билан иштирок этдилар. Шунингдек, бир қатор АТ-компаниялар банк ва молия муассасалари учун мўлжалланган ахборот технологиялари ҳамда дастурий маҳсулотлари билан қатнашдилар.

"BankExpo-2013"га ташир буюрганлар банклар, молия ташкилотлари, суғурта компаниялари хизматлари, электрон банкинг, мобил тизимлар, пул ўтказмалари тизимлари, видеокузатув ва хавфсизликни таъминлаш йўналишларидаги янгиликлар бўйича маълумотларга эга бўлдилар.

Кўрғазмада "Обод турмуш йили



BankExpo-2013:

Янги хизматлар, технологиялар ва ечимлар намойиши

Давлат дастури" да кўрсатилган вазифаларнинг ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Кичик тадбиркорлик субъектлари, ёш оилалар, оилавий бизнес, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истига бўлган ёшлар, уй меҳнатини енгиллаштириш мақсадида хотин-қизларга таклиф этилаётган банк хизматлари бўйича кенг маълумот ва маслаҳатлар берилди.

Шунингдек, кўрғазмада банкларнинг веб-сайтлари орқали мижозларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар, банк ва мижоз алоқаларидаги очиклик масалаларига ҳам ургу берилди.

Кўрғазма дастуридан давра суҳбатлари, семинарлар, тақдиротлар, учрашувлар, мастер-класслар ҳам ўрин олди. Семинарларда масофавий банк хизматлари, замонавий банк технологиялари, "Uyali pul" тизими, "Шахсий кабинет" веб-дастури каби бир қатор мавзуларда қизиқарли маърузалар ўқилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмиталари томонидан ташкил этилган дав-




Наима МИРЗАЕВА,
ОАТ "Алоқабанк"
пластик карточкалар
бошқармаси бошлиғи:

— Миллий кўрғазмада банкимиз ҳар йили ўз хизматлари намойиши билан фаол иштирок этиб келади. Бу йил стендлардан ахборот технологияларига асосланган хизмат турларини кўпайтиришга оид ечимлар кенг ўрин олан. Мамлакатимизда пластик карточкаларнинг "офлайн" тизимидан "онлайн" тартибига ўтказилиб борилиши бу йўналишда хизмат кўрсатишни янги босқичга олиб чиқмоқда. "Онлайн" тартибидан ишлайдиган карточкаларнинг имкониятлари кенг. Нафақат банк, мижозлар учун ҳам у бир қатор қулайликлар тақдир қилади. Ҳозирда "Алоқабанк" томонидан "Виртуал терминал" масофавий савдо хизмати тест синовидан ўтказилмоқда. Июнь ойида ишга туширилиши кутилаётган мазкур лойиҳа Ягона Умумреспублика Процессинг Маркази билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Мазкур хизмат банкнинг "онлайн" карточкага эга барча мижозларга тақдир этилади. Унинг қулай жиҳати шундаки, мижозлар дўконларга бориб юрмасдан, бевосита уйдан ёки иш жойидан интернет орқали виртуал дўконлардан маҳсулотлар харид қилиб олишлари мумкин бўлади.

ра суҳбатидан Ўзбекистон Республикаси "Электрон тўловлар тўғрисида"ги ҳамда "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонунларини такомиллаштириш юзасидан фикр-мулохазалар билдирилди.

Кўрғазма доирасида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқариш микрофирмалари, дехқон ва фермер хўжаликлари, ёш тадбиркорларнинг иш билан бандликни таъминлашга қаратилган лойиҳалари бўйича ўтказилган танловлар роилибларига имтиёзли кредит ажратиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топшириш маросимлари ҳам бўлиб ўтди.

Лутфилло ТУРСУНОВ



Бунёдкорлик завқи

Андижон почтачилари ҳаётидан

Почта алоқаси ходимлари ҳақида гап кетганда, кўз олдимизда қишнинг совуқ чилласидаю ёзнинг жазирама саратонида — ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам мижозларга хат-хабар, газета ва журналларни ўз вақтида етказиб бераётган, нуруний отахону онахонларга нафақа пулларини тарқатиб дуосини олаётган, иш жойларида замонавий компьютерларда жўнатмаларни қабул қилиш ва етказиб бериш билан машғул бўлаётган, ҳисоб-китоб ишларини бажараётган инсонлар гавдаланади. "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти Андижон филиали ана шундай жамоалардан бири ҳисобланади.

Андижон филиалида 1090 нафардан зиёд ходим меҳнат қилади. Уларнинг 216 нафарини ёки қарийб 20 фоизини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Почта алоқаси хизматидан фойдаланувчиларга сифатли хизмат кўрсатиш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантиришда бу ёшларнинг муносиб ҳиссалари бор. Иктидорли, ғайрат-шижоатга тўлиб-тошган умидли ёшлар ҳақида гап кетганда, филиал ходимлар бўлиmidан Исмоилжон Сатторов, почта алоқасини ташкил этиш бўлиmidан М.Мухаммад-жонов, ПХХ бўлиmidан Н.Йўлдошев, Андижон шаҳар почта алоқаси тармоғидан Отабек Отахонов, Лочинбек Аҳмедов, Балиқчи ПАТдан Мунира Султонова, Хўжабод ПАТдан Муясар Турсунова, Мархамат ПАТдан Шахноза Йўлдошева, Пойтуғ ПАТдан Илбёбек Жалоловлар номларини тилга олиш kifоя. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Улар соҳадаги ўзгариш ва янгиланган тез ўзлаштириб, замон талаблари даражасида ишлашга интиломдалар.

Ҳозирги кунда филиал таркибидagi 16та шаҳар ва туман почта алоқаси тармоғида ва 55та алоқа бўлиmida электрон пул ўтказмалари хизмати йўлга қўйилган. Навбатдаги босқичда ушбу хизматни вилоятнинг бошқа чекка қишлоқларида ҳам ташкил этиш вазифаси турибди. Ушбу хизматларни кўрсатиш билан асосан ёшлар шуғулланишади.

Филиал ходимлари томонидан 2013 йилнинг биринчи чорагида 2 миллиард 90 млн. 411минг сўм даромад олиниб, ўтган йилга нисбатан ўсишга эришилди. Ушбу чорада 298526 дона хат-хабар, 2750 дона жўнатма, 22950 дона пул ўтказмалари, жумладан, 2350 дона электрон пул ўтказмалари қабул қилиниб, манзиллари бўйича юборилди. Шунингдек, 350 турдаги 1988995 дона газета ва журналлар обуначилар хонадонларига етказиб берилди, 95 турдаги даврий нашрларнинг савдоси ташкил этилган.

Почта соҳасида замонавий ахборот технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий қилиш ва ривожлантириш мақсадида Андижон шаҳар, Мархамат, Балиқчи ва Пойтуғ

почта алоқаси тармоқларида ўтган йили "Пайнет" хизмати йўлга қўйилган бўлиб, жорий йилнинг биринчи чорагида бу орқали 12876,0 минг сўмлик хизмат кўрсатилди.

2013 йилнинг биринчи чорагида 298526 дона хат-хабар, 2750 дона жўнатма, 22950 дона пул ўтказмалари, жумладан, 2350 дона электрон пул ўтказмалари қабул қилиниб, манзиллари бўйича юборилди. Шунингдек, 350 турдаги 1988995 дона газета ва журналлар обуначилар хонадонларига етказиб берилди.

2012 йилнинг шу даврида мавжуд компьютерлар сони 152 донани ташкил этган бўлса, ҳозирги кунга келиб филиал, шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқлари ва алоқа бўлиmlаридаги компьютерлар сони 201 донани ташкил этди, мавжуд ташкилий техникалар мақсадли ҳамда йўналтирилган дастурлар бўйича фаолият кўрсатиб келмоқда. Компютер техникаларидан 20таси серверлар бўлиб, улар ёрдамида филиал, шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқлари "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг серверлари билан корпоратив тармоқ сифатида уланиб, кечаю кундуз ишлаб келмоқда.

Айни кунда Асака почта алоқаси тармоғи қошида мобил телефонларни тузатиш устaxonаси ишлаб турибди. Пойтуғ ва Асака почта алоқаси тармоқларида ташкил этилган интернет-кафелар ҳам самарали фаолият олиб бормоқда.

Филиалда ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига жид-

дий эътибор берилляпти. Янги ишга қабул қилинувчилар филиалнинг кадрлар билан ишлаш комиссияси томонидан, албатта, суҳбатдан ўтказилади. Улар учун жамиятнинг "Ходимларнинг малакасини ошириш тўғрисида"ги буйруғига асосан ўқув машғулотлари олиб борилмоқда.

Филиал ходимлари "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан ташкил этилган www.post.uz ахборот-ресурс сайти орқали меъерий ҳужжатлар электрон кутубхонасидан, масофавий ўқиш ва почта жўнатмаларини кидириш тизимидан унумли фойдаланиб келишмоқда. Бугунги кунда филиал ва ПАТлар интернет тармоғига уланган бўлиб, раҳбар ходимлар www.lex.uz, www.gov.uz, www.uz ва бошқа сайтлар орқали ўз малакасини мустақил равишда ошириш билан бирга, тезкор ахборотларга эга бўлишмоқда.

"Обод турмуш йили Давлат дастури"нинг бажарилиши бўйича ишлаб чиқилган тадбирлар режаси доирасида ҳам 2013 йилнинг биринчи чораги давомида филиалда муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, ходимлардан олти нафари замонавий уй-жойга эга бўлиб, касб байрамларини янги уйларда нишонлаш арафасида турибди. Бундан ташқари, ишлаб келаётган ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида биринчи марта никоҳдан ўтган икки нафар ходимга 795900 сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Филиалда маънавий-маърифий ишлар яхши йўлга қўйилган. Хафталик ўтказиладиган тезкор мажлисларда мамлакатимиз ва хоризжда содир бўлаётган воқеа-ходисалар таҳлил қилиниб, оммавий ахборот воситаларида чоп этилган долзарб мавзулар муҳокамага қўйилди. Республикаимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши ва сама-

раси ҳақида ходимлар ўртасида кенг қўламли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Июнь ойида 400 нафар почта алоқаси ходимини Андижон вилоят театрида ўтказиладиган томошаларда иштирок этиши режалаштирилгани ҳам уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга, маданий дам олишларини ташкил этишга қаратилган тадбирлардандир.

"Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур". Ушбу доно нақлга амал қилган филиал раҳбарияти соҳа ходимларининг фарзандларини jismonan ва маънан соғлом бўлиб камол топишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Зеро, улар бизнинг келажагимиз, ишларимизнинг давомчиларидир. Шуларни инобатга олган ҳолда 2013 йил ёз мавсумида ходимлар фарзандларини ёзги болалар оромгоҳларида дам олишлари корхона ҳисобидан ташкил этилади. Бу йилги мавсумда қарийб юз нафар бола ана шундай оромгоҳларда дам оладилар.

Филиал жамоаси почта алоқаси объектлари худудларини қўқаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этиб, Наврўз байрамининг ҳар йилгидек муносиб кутиб олдилар. Навбатдаги хайрия хашари Андижон туманидаги "Истиклол" мавзесида барпо этилган мўъжазгина "Почта бонн"да ўтказилди. Ҳозирда бу ерда етти турдаги 1500 туздан зиёд мевали дарaxтлар парвартиш қилинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Андижон филиалининг аҳил жамоаси вилоятда почта алоқасининг жадал ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб, жўшқин ҳаёт ва бунёдкорлик завқи билан яшамоқда.

Қамолитдин ҚАМБАРИДДИНОВ,
филиал директори ўринбосари



Xalqaro
haqot

ЭРОН жануби-ғарбида, мамлакатнинг ягона ядровий мажмуасига яқин ҳудудда, 6,3 балл кучланишдаги zilзила юз берган. Давлат матбуотидаги илк хабарларга кўра, уч киши қурбон бўлган. Шунингдек, Форс кўрфазига бўйлаб, хусусан, Дубай, Абу Даби ва Бахрайида ҳам ер қимирлагани сезилган ва одамлар бинолардан эвакуация қилинган.

АМЕРИКАлик собиқ аскар "Ал-Қоида"га алоқадор жангари гуруҳ сафида Сурия ҳукумат кучларига қарши курашгани учун ватанида маҳкамга тортилган. Қораловчининг билдиришича, 30 ёшли Харруннинг ҳаракатлари инсон ўлимига олиб келгани исботланса, унга олий жазо берилади. Тергов давомида Эрик Харрун Сурияда ўн кишини отганини, улардан кимдир тирик қолганини билмаслигини айтган. Харруннинг ҳимоячиси уни АҚШ манфаатлари учун курашгани, Америка ҳам Башар ал-Асад тузуми қулаши тарафдори эканини таъкидламоқда.

Хабарларда айтилишича, 2000-2003 йиллар АҚШ армиясида хизмат қилган Харрун Сурияда "Фронт ал-Нусра" гуруҳи тарафидан туриб исёнчиларга кўмаклашган. Ироқдаги "Ал-Қоида"га алоқадорлиги айтиладиган "Фронт ал-Нусра" ғарба террорчилик гуруҳларидан саналади.

ПОКИСТОН шимоли-ғарби — Тирах водийсида юзга яқин исёнчи ва 30 нафар аскар ҳалок бўлди. Маҳаллий ҳукумат маълумотларига қараганда, сўнгги ҳафта-ларда исёнчи гуруҳлар ўртасидаги можаролар 40 минг аҳолини ўз уйини тарк этишга мажбур қилган. 5 апрелда армия илгари толиблар жойлашган ҳудуднинг бир қисмини назорат остига олди.

APPLE янги штаб-квартирасини қуришни бошламоқчи. Купертинода фазо кемаси ва Пентагонга ўхшаш ушбу штаб-квартиранинг қурилиши компанияга 5 миллиард долларга тушади. Маълумотларга қараганда, марҳум Стив Жобс 3 миллиард доллар сарфламоқчи бўлган, бироқ унинг ўзига хос ёндашуви нархнинг ҳали ҳам кўтарилишига сабаб бўлмоқда. "Фазовий кема" деб ном олган компаниянинг янги офиси 2016 йилда тайёр бўлади.

Катта бино офис ва тадқиқот марказиларидан ташқари, мингта ўринга мўлжалланган катта аудиториани, шунингдек, жамоа учун фитнес марказини ҳам ўз ичига олади. Янги штаб-квартирага Арпленинг 12 минг ходими жойлашиши кутилмоқда. Компаниянинг Купертинодаги ҳозирги бош офисига атиги 2800 нафар ходим сиғади, яна 6700 киши бошқа биноларни ижарага олган.

ВЕНЕСУЭЛанинг марҳум президенти Уго Чавеснинг иш хонаси музейга айлантирилади. Мамлакатни вақтинчалик бошқариб турган Николас Мадуронинг сўзларига кўра, бундан буён Чавес иш юритган хона тегилмай, ўз ҳолатида сақланиб қолади. Президент саройида жойлашган Чавеснинг хонаси "Боливария инкйлоби" ютуқларига — Чавес олиб борган ижтимоий ислохотлар даврига бағишланган музейга айлантирилади. Мадуро эса қароргоҳининг бошқа хонасида ишлашини айтмоқда.

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг 14 апрел кунини Венесуэлада давлат раҳбарлиги учун навбатдан ташқари сайловлар бўлиб ўтди. Унда Николас Мадуро билан Миранда штати губернатори Энрике Каприлес беллашди.

Жосуслик дастури аниқланди

"Касперский лабораторияси" интернетда яширин дастурий таъминот мавжудлигини аниқлади. Унинг воситасида кибержосуслар бир неча йиллар давомида энергетика ва ядро технологиялари соҳасида фаолият юритувчи давлат ташкилотлари, илмий-тадқиқот институтлари ва компаниялар, шунингдек, космик агентликларнинг юзлаб компьютерларидаги маълумотларни мунтазам ўзлаштириб келишган. Лаборатория мутахассислари шартли равишда "Қизил октябрь" дея ном қўйган бу киберамалиёт 2007 йилнинг октябрида бошланган бўлиб, хануз давом этмоқда.

Мазкур амалиёт кўп йўналишли бўлиб, энг кўп ҳужум Россияга уюштирилган. Қолаверса, МДХга аъзо айрим мамлакатлар, Белгия, Хиндистон, Эрон ва Афғонистонда жойлашган компьютерлардаги маълумотлардан ҳам кўп фойдаланилган. "Касперский" етакчи эксперти Виктор Камлюкнинг айтишича, "қурбонлар" рўйхатида, шунингдек, АҚШ, Италия, Швейцария ва Марокко компаниялари ҳам бор. Кибержиноятчилар асосан компьютерлардаги турли ҳужжатлардан нусха олишган, маълумотлар базасига киришган, шифр-

Operation "Red October"

Victims of advanced cyber-espionage network



лаш қалитлари ва паролларни ўғирлашган. Ўғирланган файл форматлари орасида Европа Иттифоқи ва НАТО таркибига кирувчи ташкилотларига фойдаланувчи махфий Acid Cryptofiler дастурий таъминоти тааллуқлилигини кўрсатувчи acid* файллари ҳам мавжуд. Зарарланган компьютерлар тармоғини назоратда сақлаш учун кибержиноятчилар дунёнинг турли мамлакатларида, асосан Германия ва Россияда жойлашган 60дан ортик

домен номи ва серверлардан фойдаланишган, шунга қарамадан, жосуслик тармоғининг бош сервери қаерда эканлиги номаълумлигича қолмоқда.

Айни пайтда компания мазкур иш юзасидан халқаро ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва компьютерлар жиноятларини фош қилувчи — CERT (Computer Emergency Response Teams) ташкилоти билан ҳамкорлик қилмоқда.

REYTING

Интернет-савдонинг чакана савдодаги улуши (%)

	Мамлакат	2008 й.	2012 й.	2016 й.
1	Жанубий Корея	10,4	14,5	18
2	АҚШ	7,6	10,2	13
3	Буюк Британия	6	10	12
4	Япония	6,5	9	12
5	Австралия	3	6	10
6	Хитой	1	5	9
7	Германия	3	4,8	7,9
8	Франция	2,5	5	7
9	Бразилия	2	4	5
10	Аргентина	1,5	2,5	4
	ЖАҲОН БОЗОРИ	4	6	9

*Манба — Morgan Stanley

АТ-хабарлар

Сидней (Австралия) технология университети олимлари графен наноқоғоз ишлаб чиқишди. Бу қоғоз худди шу қалинликдаги пўлатдан 10 қарра мустаҳкам, 6 маротаба енгил бўлиб, автомобилсозлик ва авиасозликда ўз ўрнини топиши мумкин.

Наноқоғоз махсус ишлаб чиқилган ва ўзига хос тарзда зичланган графитдан ҳосил қилинган. Ундаги атомларнинг ўта зич жойлашиши мустаҳкамлигини таъминлаган. Яна бир эътиборли жиҳати, бу қоғозни қайта ишлаша бўлади.

Ишланмага Boeing компанияси жиддий қизиқиш билдирмоқда.

ДОМЕНЛАР

250 МИЛЛИОНДАН ОШДИ

Verisign: глобал тармоқдаги домен номлари сони 250 млн.дан ошди. Бу бир йил илгаригидан 12 фоизга кўпдир. Verisign Domain Industry Brief ҳисоботида 2013 йилнинг дастлабки уч ойида 6 млн.дан ортик домен рўйхатга олингани қайд этилган.

Мутлақ рекорд com домен ҳудудига тегишли — бу ерда жами доменларнинг 40 фоизи рўйхатдан ўтган. Шунингдек, оммалашиб борасида net, uk (Буюк Британия), org, info, cn (Хитой), nl (Нидерландия) ва ru (Россия) домен ҳудудлари етакчилар саналади. Тинч окенида жойлашган митти Токеела давлатига тегишли tk домен зонасига ҳам қизиқиш катта, негаки, унда рўйхатга олиш бепул, факат эвазига сайтга реклама жойлаштириш учун рухсат бериш лозим.



JAҲОН РОҚНТАСИ

Австралия почтаси Azkoypen компанияси билан ҳамкорликда мамлакатдаги почта алоқаси бўлимида вендинг-машиналар (ўз-ўзига хизмат кўрсатиш) ўрнатиш лойиҳасини жорий этишни бошлади. Лойиҳа тўрт йилга мўлжалланган.

Алоқа бўлимида ўрнатилган Azkoypen савдо автоматларидан почта маркалари, хатжилдлар сотиб олишдан ташқари, ўз манзилга келган жўнатмани олиш, тўловларни амалга ошириш, банкоматдан пул олиш мумкин.

Арманистон почта оператори — "Айпост" компанияси ўз логистика тизimini қайта кўриб чиқмоқчи. Жумладан, жорий йилда янги логистика тизими франциялик ҳамкасблар — La Poste менежерлари ёрдамида йўлга қўйилади.

Мазкур масала икки компания раҳбарлари, шунингдек, Post Europe президенти Жан Пол Форсвелл билан учрашувда муҳокама қилиниб, томонлар арман почтаси логистика бошқаруви ва хат-хабарларга ишлов бериш тизimini яхшилаш ҳақида келишиб олишди.

Россия почтаси сўнгги русумдаги италян кийим-кечак ва пойабзалини сотади.

Италян ва рус почта мутахассислари Россия масофавий савдо бозорини ўрганиб, кейинги ҳафтадан мукамал бизнес-режани яқунлашлари лозим. Шундан сўнг портални ривожлантириш ва юритиш бошланади. Сервис тўлиқ 2013 йилнинг ёзида ишга тушиши кутуляпти.

Қандай соз! Ахборот технологиялари ривожланиб бормоқда. Дўстимнинг телефонидан мусиқаи, клипми, суратми, ҳар қандай файлни қийинчиликсиз кўчириб оламан. Қулоғимга ановини қистириб оладиган бўлганман. Сими йўқ қулоқчин бор-ку, блутус дейишади. Хоҳласам телефонда гаплашиб юриб, уй юмушлари билан банд бўламан, хоҳласам сурат чизаман. Ҳеч қимга айтмасангиз, бир сирни очай. Талабалар имтиҳонларда ҳам "кўринмас қулоқчин" тақиб олишяпти. Қулоқда унинг борлигини сезиш қийин. Қўшни хола чиқса менга ҳайрон бўлиб қарайди. Кеча акамга ҳам айтибди, "Синглингиз ўз-ўзига гапириб юрибди", деб. Компютеримнинг имкониятларини бошқа кўни сўзлаб берарманкуя, аммо қургур сичқончаям жуда замонавийлашиб кетди-да. Тунов кўни олган сичқончамнинг "думи", ия, узр, чувалашган сими йўқ. Шунда ҳам вазифасини аъло даражада удалаяпти. Ажабланиман, "ана тараққиёту мана ривожланиш". Шундай деб ўтириб, калламга бир фикр келди, бу қулайликларни яратишда қайси технологиянинг ҳиссаси бор?

Ўйлаб қарасам, телефонларнинг ўзаро мулоқотини таъминлаётган ҳам, симсиз қулоқчину сичқончаларнинг ишлашида жонбозлик кўрсатаётган, симсиз риштапарни боғлаётган ҳам Bluetooth экан. Bluetoothнинг тарихию бүгүнини ўрганиб жуда қўллаб қизикарли маълумотларга дуч келдим. Ўйлайманки, мавзу сизни ҳам бефарқ қолдирмайди.

ТЕХНОЛОГИЯ
ТАРИХИ ЯҚИН

Хозирги кунда деярли барча замонавий компютерларда Bluetooth функцияси мавжуд. Bluetoothнинг пайдо бўлиши 1994 йили телекоммуникация асбоб-ускуналарида фойдаланувчи симсиз алтернатив кабел — RS-232 каби ишлаб чиқарилган қурилманинг яратилиши билан боғлиқ. Ericsson компанияси томонидан тақдим этилган бу технология аввалига FLYWAY тизимида тизим ҳамда сайёҳларни боғлашда қўлланилган. Биз таниган Bluetooth эса 1998 йили ташкил топган Bluetooth Special Interest Group (Bluetooth SIG) гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган. Shkolazhizni.ru сайтида берилган маълумотга кўра ҳам Bluetooth технологияси илк бора айнан шу йили Ericsson компаниясининг тадқиқот марказида ишлаб чиқилган. Мобил телефон ишлаб чиқарувчи Ericsson ва Nokia, қолаверса, Intel, IBM ва Toshiba компаниялари ўз махсулотларида янги технологияни жорий этишди. Унинг хизмат кўрсатиш доираси унчалик кенг бўлмаган. Кейинчалик унинг янада такомиллашган шакллари пайдо бўла бошлади. Bluetooth SIG ва IEEE биргаликда унинг таснифини янада аниқлаштирди. Унга кўра, технология хизмат кўрсатиш, ҳаракатланиш радиусига кўра, уч турга — 100 метр, 10 метр ва 1 метрда фаолият олиб борувчи Bluetoothларга бўлинган. AIRcable компанияси эса 30 километр радиусда фаолият кўрсатувчи Bluetooth-адаптер — Host Xgni ишлаб чиққан.

КЎК ТИШ —
БИРЛАШТИРУВЧИ

Мавзуга чуқур кириб, бир нарсани эътибордан четда қолдирибмиз. Ишлаб чиқарувчилар дунга нима сабабдан айнан шундай номни беришган? Blue tooth инглиз тилида "кўк тиш" маъносини берадику! Кўпчилик олдиниға ноодатий атаманинг қандай моҳиятга эғалиғига қизиққан. Бунинг сабаблари теъда ошкор бўлди. Бу номнинг замирида тарихини билиш ва ардоқлаш ётибди, десак муболаға бўлмайди. Блутуснинг номланиши X асрда Дания ва Норвегиянинг бир қисмини идора этган қирол Харалд I билан боғлиқ.

Ўша давр тақозосига кўра, қирол албатта бошқалардан ўзгача фазилат ва ҳислатлари билан ажралиб туриши лозим бўлган. Харалд Iнинг ўзига хос хусусиятларига эса олдинги кўк рангли тишлари киритилади. Мана шу сабабга кўра, Кўк тиш лақабини олган ва қирол бу билан фахрланган. Harald Bluetooth қиролнинг инглизчадаги

Қиролдан мерос

BLUETOOTH!



номи бўлган. Афсуски, манбаларда қиролнинг тишлари нега айнан кўк рангли бўлгани ёзилмаган. Бу маълумот шунчаки факт сифатида қайд этилган. Қиролнинг тиши кўк бўлган бўлса, Блутус технологияси билан қандай боғлиқлиги бор, дейсизми? Аслини олганда, ҳеч қанақа. Харалд I Кўк тиш қиролнинг номи тиши кўк рангда бўлгани учунгина эмас, бутунлай бошқа сабабдан тарихда қолган. У парчаланган Дания давлатини бирлаштирган. Шунинг учун унинг яна бир лақоби бўлган. Бу — бирлаштирувчидир. Янги технология ҳам қурилмаларни бирлаштиришга хизмат қилгани учун Bluetooth номига лойиқ кўрилган.

У НИМАЛАРНИ УЛАЙДИ?

Ҳаммаган маълум, Bluetooth турли мосламаларни бирлаштиришни кўзда тутади. У аслида симсиз персонал тармоқ турларидан биридир. Унинг функциялари ёрдамида иккита ёки бир нечта мобил телефон ва компютерлар ўртасида симсиз алоқа ўрнатилади. Инсонларнинг бир телефондан иккинчисига семимли кўшиги ёки охириги "хит бўлган" ашулани ўтказиш истаги унинг оммалашишини таъминлади. Bluetooth ёрдамида шахсий компютер, мобил телефон, принтер, рақамли фотоаппарат, сичқонча, клавиатура, жойстик, қулоқчинлар ўртасида бепул, ишончли, мустақкам ахборот алмашишуви таъминланади. Унда ҳамма жойда

фаолият юритишида қулай бўлган радиочастотанинг борлиги асосий афзаллиғидир.

Bluetooth қурилмасининг ишлаши учун қарама-қарши тараф билан ўртадаги масофа 100 метргача бўлиши лозим. Мобил телефонларда ўрнатилган Bluetooth катта бўлмаган ва қиммат турмайдиған 2,4 ГГц радиочастотада алоқа ўрнатувчи микросхемани ўзида мужассамлаштирган. У фақат Bluetooth микросхемаси мавжуд бўлган бошқа алоқа воситалари билан уланади. Мазкур микросхема ишлаб чиқилиши унчалик мураккаб эмас. Олдин айтганимиздай, арзон ва қувват сарфи ҳам кам. Қолаверса, инсон саломатлиғига салбий таъсири аниқланмаган. Буларнинг барчаси Bluetoothнинг кенг тарқалиши, оммалашишига имкон берди. Bluetooth тизимидан фойдаланиш қийинчилик турдирмайди. Уни ишлатиш кўникмасини эғаллаш ҳам осон. Аввалига Bluetoothли телефонлар ўзаро уланишни амалга оширади. Битта телефон, яъни ахборот узатувчи телефон Bluetooth қурилмасининг ўз радиусида қидирув хизматини ёқади. "Топилмалар" ичидан кераклики танланади ва уланиш тугмаси терилади. Кўриб турганингиздек, Bluetoothдан фойдаланишининг ҳечам қийин жойи йўқ.

Танганинг иккинчи томонида Bluetoothнинг ишлаш тезлиги унчалик катта эмаслиги, натижада ахборот алмашишдаги ҳажмининг кичиклиғига сабаб бўлиши каби камчиликлар кўзга

ташланади. Шунга қарамай, бу унчалик муҳим эмас — афзаллик ва қулайликлар камчиликларни тўлдириб кетади. www.thb-nordis.ru сайтида айтилишича, Bluetooth симсиз алоқанинг универсал технологияси, эндиликда нафақат телефонлар, турли типдаги микропроцессорли қурилмаси локал тармоқли таъминлаётгани унинг асосий кўмакчимизга айланаётганининг белгиси. Демак, Bluetooth — локал тармоқ орқали истаган техникага уланиш имкониятидир.

АВЛОДЛАР
АЛМАШИНУВИ

Bluetooth 1.0 (1998 йилги вариант) улкан тарихнинг олдида кечаги кундир, холос. Унинг ўзига хос жиҳати турли ишлаб чиқарувчи компания махсулотлари ўртасида уланишнинг ёмонлиги билан фарқланади. Масалан, Ericsson ва Nokia телефонларининг ўртасида қурилма яхши ишламаган. Иккала Nokia телефони эса бир-бири билан яхши "чиқишган". Bluetooth 1.1 олдинги версиядаги бир неча камчиликлар бартараф этилган ҳолатда, сигналларни ушлашда ҳам афзалликларга эга бўлган. Bluetooth 1.2да эса ахборотлар 721 Кбит/с.да узатила эди. Bluetooth 2.0 + EDR 2004 йилнинг 10 ноябрида ишлаб чиқилган бўлиб, унда олдинги турга нисбатан тезлик уч баробар ошган. Яъни, соғияда 2,1 Мбит.ни ташкил этган. Блутус елкасидаги оғирликнинг камайиши унинг қувват харжининг ҳам камайишига сабаб бўлди. Bluetooth 2.1 яратилиши 2007 йилга тўғри келган. У "акалари"га қараганда аккумулятор қувватини 3-10 мартагача кам харж этади.

Bluetooth 3.0 + HS эса 2009 йилнинг 21 апрелида кириб келди ва у ахборотлар узатишни 24 Мбит/с.гача кўтарди. Бу Wi-Fi тезлиғига бўйлаша олди деганидир. Унинг асосий ўзига хослиги асимметрик (симметрикликнинг йўқлиги, номуаносиблик) мультипроцессорнинг қайта ишланганлиги эди. Bluetooth 4.0 2010 йилнинг 30 июнида яратилди. Унинг Эта тури бор. Булар анъанавий, юқори тезликли ва кам қувват сарф қилувчи Bluetoothлардир. Юқори тезликли "Кўк тиш" Wi-Fi технологиясига асосланган, анъанавий "уловчи"ларда олдинги турларнинг хусусиятлари кўзга ташланади. Кам қувват сарф этувчи Bluetooth кичик электрон датчикларда қўлланилади. Айтайлик, бу спорт оёқ кийими, кичик ҳажмдаги сенсорларда ишлатилиши мумкин.

Bluetooth кундан-кун турли қурилма ва мосламаларнинг ишлашию ахборот алмашишига кўпроқ хизмат қилапти. Охириги маълумотларга мурожаат этадиган бўлсак, Alcatel компанияси ҳам теХет ТМ-9747ВТ планшетиға Bluetooth модулини киритди. Демакки, ахборот технологиялари ривожига мос равишда "улагич"лар ҳам кенг тарқалиб, такомиллашиб бораверади.

Санобар ЖУМАНОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика
факултети магистранти

Встреча

в Центре UZINFOCOM

с представителями компании Microsoft

9 апреля в Центре UZINFOCOM прошла встреча с представителями компании Microsoft, прибывшими в Ташкент на Ежегодный форум "День инноваций". Гости были членами делегации Microsoft, в составе которой Алексей Трубинов, Директор по развитию бизнеса в странах Центральной Азии, Евгений Данилов, Директор по развитию бизнеса штаб-квартиры Microsoft в Центральной и Восточной Европы и другие сотрудники корпорации.

Состоялся долгий, насыщенный и очень интересный разговор. Директор Центра Джалолатдин Рахимов рассказывал о текущих и перспективных проектах Центра, гости тут же предлагали различные решения, начиналось обсуждение.

Навскидку из запомнившегося, говорили об облачных технологиях и информационных системах госструктур, о Датацентре DC.uz, о социальных сервисах и системах обмена сообщениями, об образовательных порталах и мессенджерах, о формах поддержки софтверного бизнеса, о защите информации и ЭЦП, о консалтинге и планшетах. На каждый вопрос у гостей были заманчивые решения и предложения, но каждый вопрос возвращался снова и снова к ценообразованию, лицензированию, партнерам и общей схеме обоюдного взаимодействия.

Договорились встречаться и обмениваться информацией для сближения позиций чтобы развить наметившийся взаимный интерес.

Uzinfo.com.uz

Все аксакалы махаллей Самарканда обзаведутся электронной почтой

В Самарканде приступили к апробации законопроекта об открытости деятельности государственных органов.

"Газета.uz" на днях сообщала о том, что по инициативе Законодательной палаты Олий Мажлиса в течение 2013 года в Самаркандской и Бухарской областях будет проводиться апробация проекта закона "Об открытости деятельности органов государственной власти и управления".

В Самарканде сделан первый шаг в реализации этого эксперимента — все председатели (аксакалы) сходов граждан махаллей города в ближайшее время обзаведутся электронной почтой, а у некоторых махаллей появятся свои веб-сайты.

Почему такое важное мероприятие решено начать с махаллей? На этот вопрос ответил заместитель хокима Самарканда Джамшид Ураков. Выступая на семинаре с участием аксакалов махаллей города, он пояснил, что все граждане Узбекистана проживают на территории той или иной махалли. Данная общественная структура позволяет легче и быстрее довести до населения любые решения органов власти. Кроме того, в сходах граждан знают о проблемах и нуждах отдель-

ных семей и о том, как им можно помочь.

Информирование общественности о деятельности органов государственной власти и управления, а также обеспечение широкого доступа населения к информации о принимаемых ими решениях необходимо не только "низам", но и "верхам". Это приведет к повышению ответственности органов исполнительной власти за качество этих решений, отмечалось на семинаре.

По словам Уракова уже в течение текущей недели каждый аксакал, а их в городе около 230, получит адрес электронной почты. "В этом деле вам будут помогать 30 студентов самаркандских вузов, — сказал он, обращаясь к председателям сходов граждан. — Они придут в ваши махалли и помогут вам открыть не только электронную почту, но и веб-сайт махалли. Конечно, у вас для этого должны быть определенные навыки".

Жители Самарканда также смогут напрямую обращаться через интернет в хокимият со своими проблемами и вносить предложения. Для этого населению будет предоставлен список электронных адресов ответственных работников местных органов власти. В дальнейшем на такую же систему работы перейдут и другие органы власти и управления.

В своей работе все преподаватели ВУЗов используют различные педагогические технологии и многие из них чаще всего подходят для обучения студентов, изучающих точные и технические дисциплины, где возможна постановка одной четкой задачи для разных групп. И при правильном ее решении разные группы с использованием разных педагогических технологий, с опытными руководителями групп (модераторами) придут к одному и тому же правильному результату (ответу).

Студенты, обучающиеся на специализированной кафедре "ТРЭС ва Ж" (кинотелеоператорское мастерство и специальное освещение) Ташкентского университета информационных технологий в будущем — работники искусства, творческие специалисты. И поставленные перед ними задачи, например, создание киносюжета или фильма, постановка правильного освещения на съемочной площадке — каждый из них будет решать индивидуально, по "собственной технологии", исходя из своих знаний, навыков и взглядов на творчество. И результат — даже если 10 студентам поставить задачу по съемке одного и того же фильма или сюжета — всегда будет разный. Так в разные годы снимались и будут сниматься фильмы по классическому произведению "Уткан кунлар", из года в год в разных странах экранизируют "Войну и мир" или другие шедевры

и все эти экранизации всегда разные. Поэтому для студентов — будущих специалистов творческой специальности нужны и специальные формы обучения.

Мастер-класс — одна из форм обучения или демонстрационного занятия, когда обучаемому лицу передаются знания, умения, навыки и даже мировоззрение проводящего мастер-класс, его профессиональный опыт. Вся работа проводящего мастер-класс является авторской, а значит, не может быть похожих мастер-классов, так же как и различаются два фильма по одному первоисточнику, сделанные разными мастерами. Как правило, при проведении мастер-класса мастер также показывает свое произведение.

Уже само название — "Мастер-класс" — предполагает, что ее проводящий находится "на вершине" мастерства, ему есть что рассказать, показать и научить своих слушателей. В искусстве и творчестве это очень интересная форма передачи опыта.

Очень много мастер-классов было проведено на II Ташкентском международном кинофоруме "Золотой гепард". Причем в качестве слушателей присутствовали не только студенты, но и деятели культуры и искусства и преподаватели ВУЗов. Еще бы, если мастер-класс проводит председатель жюри конкурса полнометражных фильмов Ник Пауэлл — ведущий британский режиссер, директор Британской академии кино и телевидения, Вице-председатель Европейской киноакадемии, член американской академии AMPAS и

вице-председатель объединения Европейских школ кино и телевидения, уже само общение с человеком такого уровня является хорошей школой.

Ник Пауэлл для своего мастер-класса подготовил презентацию (ответы-вопросы) по 28 пунктам, касающихся кино, искусства, культуры, образования, общечеловеческих вопросов современности. И дал на них свои исчерпывающие ответы. Впечатляет, что большинство из своих 28 ответов-вопросов он начинал с узбекской поговорки или поговорки, передающей суть вопроса. Всеми слушателями мастер-класса это было воспринято как дань глубокого уважения со стороны Мастера к Узбекистану и его народу.

После выступления со своей презентацией Ник Пауэлл ответил на многочисленные вопросы слушателей мастер-класса.

При проведении мастер-классов знакомство с биографиями известных деятелей кино — это тоже школа для слушателей, потому что только целеустремленная работа по выбранной специальности и преодоление многочисленных трудностей помогают достичь вершин мастерства, т.к. конкуренция в кинобизнесе очень высока.

Мастер-классы для будущих творческих работников, так же как и простые просмотры фильмов современных мастеров экрана на различных кинофорумах — отличная школа. И, наверное, возникает вопрос: что, после мастер-классов значительно повышается уровень знаний

слушателей? Ответ на этот вопрос такой: воспитание и становления творческого человека — длительный и непрерывный процесс, не заканчивающийся практически никогда, и мастер-классы — одна из ступеней этого процесса.

Кафедрой "ТРЭС ва Ж" Ташкентского университета информационных технологий также проводятся мастер-классы ведущих специалистов Национальной телерадиокомпании Узбекистана. Преподаватели и студенты факультета телевизионных технологий с большим интересом присутствовали на мастер-классе Гульшат Иброгимовой — заместителя главного редактора телерадиоканала "Ўзбекистон". Она показала уже вышедшую в эфир одну из своих передач, рассказала, как проводятся съемки, с какими проблемами сталкиваются на съемочной площадке члены творческой и технической специальности, поделилась своими взглядами на работу оператора и осветителя, и, конечно, ответила на вопросы студентов и преподавателей.

Мастер-класс также был проведен известным кинорежиссером Ф. Давлетшиным, а руководители и преподаватели нашего факультета провели несколько мастер-классов для учащихся Республиканского колледжа радио и телевидения. И проведение мастер-классов будет продолжено.

А.АБДУРАХИМОВ,
ст. преподаватель ТУИТ
Г.РИЗОВА,
студентка ТУИТ

Мастер-классы —

одна из форм обучения для студентов

Хабарлар

ТОШКЕНТ

ДУШАНБА — 15 АПРЕЛ

РОССИЯ 2

05.55 Курсувалар дастури.
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
07.00 "Идиш".
07.05 "Кўнгли қувиқ истайди".
07.20 "Чаттинтоини қувиқ парвозларим", М/с.
07.30 Миссий сериал: "Фидоилар".

Хурмати телестомоабилар!
"Ўзбекистон" телеканали да соат 08.00 дан 14.55 гача профмактив

14.55 Курсувалар дастури.
15.00 "Хидоят сари".
15.20 "Идиш".
15.25 "Абдултичамбарани", Т/с.
16.15 "Ватанларим".
17.00 "Азборот".
17.10 "2013 йил - "Обод турмуш йили".
Андижон.
17.25 "Ифтихор".
17.30 "Эркин фикр".
17.40 "Эртиқлар - келинликка етказар".
18.00 "Кўнгли қувиқ истайди".
18.15 "Келажакка пойдевор". 1-қисм.
18.35 ТВ - шифокор".
18.40 "Комсомол-инфо", Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Азборот" рус.
20.05 "Навоий Ғўстонадан".
20.10 "Масхумотини хўрақини", Т/с.
21.00 "Азборот".
21.40 "Киншол қўли".
22.00 "Кўнгли қувиқ истайди".
22.15 "Сарой қалолари", Т/с.
23.00 "Идиш".
23.25 - 23.50 "Замин Ғаройиботлари", Х/ф.

ТОШКЕНТ

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Гурур ва андиш", Т/с.
07.10 "ABC-kids".
07.20 "Мулаққатларим".
08.00-15.00 Профилактика.
15.00 "Ватан меҳри".
15.10 "Қоломбо", Т/с.
16.00 "Комсомол-инфо".
16.10 "Аскар", Т/с.
17.00 "Обод турмуш йили".
17.10 "Сезилар хўрақини".
17.20 "Парништи", Б/ф. 1-қисм.
18.40 "Езилек наволари".
19.00 "Давр".
19.30 "Абустир", Т/с.
20.20 "Кўнгли қувиқлар".
20.30 "Эртиқин болаларим".
21.10 "Аскар", Т/с.
22.30 "Катта болалек ларидан". Б/ф. 1-қисм.
23.30 "Жади мусикаси".
00.00 "Езилек наволари".
00.20 "Шарқ гавдари".
01.00 "Комсомол-инфо".
01.10 "Нухдан нисар".
01.40 "Атпогулар".
02.00 "Давр".
02.30 "Афсона ва ҳикоят".
02.50 "Сезилар қўлар".
03.10 "Қоломбо", Т/с.
04.00 "Иқсон психологияси".
04.20 "Абустир", Т/с.
05.20-06.00 "Қаллоқ".

ТОШКЕНТ

06.00 "Мадия".
06.05 Курсувалар тартиби.
06.10 "Фидат қизлар учун".
06.40 "Донолар Ёшотқан".
06.45 Тошкент тароналари.
07.00-8.00 "Салом, Тошкент".

Хурмати телестомоабилар! Профилактика муносибати бўлган "ТОШКЕНТ" телеканали ўзининг курсувалар дастури соат 15.00 га бошлайди.

15.00 "Пойтахт".
15.15 "Данилья Дерона", Т/с. 10-қисм./

Якубовни/
15.35 "Бизине-пойтахт".
15.40 "Кўнгул доридарси".
15.55 "Тавон оғусти".
16.20 "Эко-пойтахт".
16.30 Тошкент тароналари.
16.45 Мультисерал: "Ака-Ука Гримм ардавлари", 13-қисм.
17.10 "Келинг менни ардавлари", /инглаз тилида/.
17.25 "Мисил гавдир".
17.40 "Мадиярфат фидоиларин".
18.00 "Пойтахт".
18.20 "Интеллектуал лўқини".
18.30 Мислий сериал: "Узи уйланигани соғин", 14-қисм.
19.05 "Итерьеро".
19.15 "Карнонлар".
19.25 Тошкент тароналари.
19.40 "Теле-маркет".
20.00 "Пойтахт".
Бир сўз билан айтганда, мафкуравий иммунитет юқори бўлиши керак. Бунинг учун ёшларнинг кўп китоб ўқиши, ўз мамлақати тарихини ўрганиши, урф-одатларга нисбатан хурмат руҳида тарбия топиши, миллий эътиқод — миллий фахр шаклланиши муҳим ўрин тутади. Ўз миллати қадриятларини эъозлаган, ўз тарихини билган, Ватанга эътиқоди мустаҳкам ёшларнинг ахборот оқимлари таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли кам. Чунки уларда мафкуравий иммунитет ривожланган бўлади. Зеро, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳозирги кунда мафкуравий курашнинг янги усули сифатида амалга келтирилмоқда.

**Шербек НОРМАТОВ,
ТАТУ Қарши филиали "Қамолот"
БИХ бошланғич ташкилоти етакчиси**

Фикр

Хабар хабар берувчилар сабабли ростлик ва ёлгонлик тусини олади. Чунки, одамларнинг мақсадлари хилма-хил. Халқлар ўртасида тортишиш ва талашш кўп.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

Иқтисодий барқарорлик

Уни таъминлашда АКТнинг ўрни

1980-1990-йилларда ахборот технологияларининг ишлаб чиқариш соҳасидаги улуши сезилмас даражада бўлганлиги сир эмас. Кейинчалик ўтказилган тадқиқотлар натижасида ахборот технологияларининг иқтисодий кўрсаткичларда муҳим аҳамият касб этиши амалда ўз исботини топди.

Бугунги кунда дунё иқтисодиёти бир қанча ўзгаришларни бошидан кечиряпти, хусусан, бизнес юритиш фаолиятининг тобора глобаллашуви натижасида ташқи сармояларнинг фаол иштироки кузатишмоқда.

Микроиқтисодий глобаллашув — бир қатор корхона ва ташкилотларнинг ахборот технологиялари ёрдамида ишлаб чиқариш ва маркетинг соҳаси глобал механизмининг қуриш фазасидир. Макроиқтисодий глобаллашув эса ахборотнинг глобал тарқалиши билан узвий алоқадор.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви инобатта олган ҳолда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда иқтисодиётни ривожлантириш ва унинг барқарор ҳолатини таъминлаш учун ахборот технологияларини тараққий эттириш, ахборот инфратузилмалари ва ахборотни қайта ишлаш усулларига эътибор қаратиш ўринlidir. Шу нукта назардан ахборот технологияларининг умумий иқтисодиётга таъсирини таҳлил қилиш ва интилишимиз керак бўлган мақсадни белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Макроиқтисодий жиҳатдан ахборот

технологиялари ишлаб чиқариш тармоқлари, инвестициялар ва иш билан таъминланганлик даражасига таъсир ўтказади.

Саноат асридан ахборот асрига ўтиш юқори даражадаги малака ва ахборотта талабнинг кескин ортишига туртки бўлди. Ахборот технологиялари ёрдамида мавжуд хизмат кўрсатиш соҳаси, хусусан, ахборотни ҳосил қилиш, қайта ишлаш, тарқатиш, банк тизимини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалигини автоматлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятлари кўлами кенгайди. 2012 йилда республикамизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш янгуларини бўйича маълумотларга кўра, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди.

Ахборот технологияларининг жадал суръатлар билан ривожланиши натижасида, корхона ва ташкилотлар юритаётган фаолият майдони кенгаймоқда. Юқорида келтириб ўтилган жами инвестициялар

ҳажмининг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди. Бу эса ишчи кучига бўлган талабнинг ортишига сабаб бўла олади. 2012 йилда мамлакатимизда комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб 1 миллионга янги иш ўринлари ташкил этилди. Бу иш ўринларининг тахминан 62 фоизи қишлоқ жойларида яратилди. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўли билан 485 миң киши, қасаначиликнинг барча шакллари кенгайтириш ҳисобидан эса 218 миң киши иш билан таъминланди.

Бугунги кунда фаолият юритаётган корхона, ташкилотлар учун ахборот технологиялари имкониятларини таъкидлаб эла олишга қодир кадрлар сув ва ҳаводек зарур десак, муболага бўлмайди. Зеро, юртимиздаги ҳар бир ўқув юртининг юқори даражадаги технологиялар билан жиҳозланганлиги фикримизнинг яққол исботидир.

Микроиқтисодий жиҳатдан эса тадбиркорлик фаолиятига бир мунча ўзгаришлар олиб кириши билан ўз таъсирини ўтказди. Тадбиркорларнинг ишлаб чи-

қариш тизимини иқтисодий масштабга асосланиб, кенг қўламли ишлаб чиқаришдан автоматлаштирилган ишлаб чиқариш ва ресурсларни режалаштириш асосида талабга мувофиқ фаолият юритишга ўтиши ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш, харажатни имкон қадар қисқартириш ҳамда даромаднинг ошириш, корхона ёки ташкилотларнинг бозорга кириб бориши ва "иқтисодий майдон"даги улушини кенгайтиришга имкон яратади.

Бугунги кунда жадал суръатлар билан тараққий этаётган ахборот технологияларини бизнес юритиш ва тадбиркорлик фаолияти соҳасига йўналтириш ва улардан тўла фойдалана олиш мамлакат иқтисодиётини жаҳон бўйлаб муносабатлар жараёнига олиб чиқиш омилларидан бири деб ҳисоблаймиз. Зеро, ҳар қандай иқтисодиётнинг асосини бизнес ва тадбиркорлик фаолияти ташкил этади. Microsoft асосчиси Билл Гейтснинг: "Ахборот технологиялари ва бизнес фаолияти кун сайин боғланиб бормоқда. Менимча ҳеч ким бу тушунчаларни у ёки бунисини четлаб ўтиб тўлиқ ифода қила олмайди", дея таъкидлаши ҳам юқорида билдирган фикримиз исботидир.

**Илҳомжон АЛИЕВ,
ТАТУ иқтисод ва бошқарув факультети талабаси**

Apple фазо кемаси шаклидаги бош офис қурилиши учун 5 млрд. доллар сарфлайди.

FOYDALI SAYTLAR

Рукнимиз остида шарҳини келтириб ўтадиган навбатдаги сайт соҳа корхоналари ҳамда тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётганлар учун ўз хизмат ва маҳсулотларини расмий веб-сайтлари орқали тўлақонли очиб беришга ёрдам бериши мумкин. Айниқса, хизмат ва маҳсулотларини намоиш этишни истаганларга қуйидаги маълумотлар фойдадан холи бўлмайди.

Panoramio.uz

Бизнесда замондан ортда қолмасдан энг янги ва ноёб технологиялардан фойдаланиш муваффақият гаровидир. Жумладан, 3D панорама ва виртуал тур ёрдамида миқоз ва буюртмачиларга хизмат ва маҳсулотлар ҳақида аянам кенгроқ ва жонлироқ маълумот бериш мумкин.

Ҳозирда 3D панорама ва виртуал турдан фойдаланиб, товар ва хизматларни реклама қилиш замонавий ва таъсирли усул ҳисобланади.

panoramio.uz сайтида 3D панорама ва виртуал тур, уларни яратиш хизматлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Жумладан, 3D панорама ва виртуал тур — манзарани янада яққол ва табиий ҳолда, инсонни худди ўша маконда саёҳат қилаётганидек таъсир кўрсатиши билан оддий расмлардан катта фаркланади. 3D панорама объектни 360 даража, ҳам вертикал ва горизонтал равишда кўриш имконини беради. Виртуаллаштирилган суратлар 640x480 пикселдан 1600x1200 пикселгача (ва ундан юқори), 300 Кб дан 4 Мб гача ҳажмга эга. Бу эса уларни интернет саҳифаларига жойлаштириш учун жуда қулайдир. Бундан ташқари, суратларни яқинлаштириш ёки узоқлаштириш, барча томонга айлантириш мумкин.



INFO-FIKR

Нурбек ТОШНИЁЗОВ,


Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги матбуот котиби:

"Агентлигимиз ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши ҳолати бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан "аъло"га баҳоланган кам сонли давлат органларидан бири ҳисобланади. Бунга эса юқори малакали мутахассислар жалб этилиб, АКТ соҳасидаги маъсул идоралар билан яқин ҳамкорликда иш олиб борилиши натижасида эришилди. Шу билан биргаликда бу ютуқлар ўз-ўзидан янгидан-янги марралар сари ҳам ундамоқда ҳамда айни пайтда Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, шунингдек, унинг тармоқ корхоналари билан ҳамкорликда янги режалар устида иш олиб борилмоқда".

Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги барча ходимлари замонавий компютерлар, электрон имзолар билан таъминланиб, ҳар бир ходим учун корпоратив почта манзили ва интернетдан фойдаланиш имконияти яратиб берилган. Шунингдек, уларнинг компютердан самарали фойдаланиш бўйича саводхонлигини оширишга ҳам катта эътибор қаратилиб, ҳар икки йилда тўлиқ малака оширишлари йўлга қўйилган. Натижада Вазирлар Маҳкамаси комиссияси томонидан КСБТ (Компютер саводхонлиги бўйича тест) асосида ўтказилган аттестацияда ходимлар жуда юқори кўрсаткичга эришиб, ўртача 83,9 балл тўплаган.

Агентликда барча компютерлар локал ва корпоратив тармоққа, лимитсиз интернетга уланган. Унинг худудий бўлимидаги расмий ҳужжатларни юритиш учун "Yevfat" электрон ҳужжатлар айланиши тизими жорий этилган бўлиб, барча топшириқлар ва расмий ҳужжатлар ушбу тизим орқали юритилади ва назорат қилинади. Бошқа идоралар билан "Е-Хат" химояланган почтаси орқали ишлаш йўлга қўйилган. 2012 йилда турли идораларга 2000 вараққа яқин хат шу тизим орқали юборилган.

Айни пайтда Агентлик расмий сайти орқали кўрсатиладиган инте-



ратив хизматлар сонини янада кўпайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида "UZINFOCOM" маркази билан ҳамкорликда сайтнинг янги, имкониятлари анча кенгайган версияси яратилиб, autotrans.uz доменидан синов учун ишга туширилган. Агентликдаги иш жараёни учун онлайн тартибда ишлайдиган Ягона ахборот тизими жорий этилган. Бу тизим иш жараёнини автоматлаштириш ва энгиллаштириш билан бирга катта ҳажмдаги электрон маълумотлар базаси шаклланишига ҳам шартли яратади ҳамда ундан кидирув тизими орқали самарали фойдаланиш имконияти вужудга келган. Ана шу имкониятдан фойдаланган ҳолда Агентлик томонидан "Маълумотлар базасидан кидирув" интерактив хизмати жорий этилган. Яъни,

хоҳлаган фуқаро автобус, йўналишли такси ва энгил таксилар ёки юк автомобили хизматидан фойдалана туриб, ушбу автотранспорт воситасининг қонуний ишлаётганини Агентлик сайти орқали сўров бериш ёки оддий SMS жўнатиш йўли билан осонгина текшира олади. Бунинг учун ўша автотранспорт воситасининг давлат рақам белгиси сериялари билан бирга сайтнинг www.avto.uzart.uz манзилидаги махсус жойга қиритилиб, "кидирув" тугмаси босилса ёки 5500 қисқа рақам билан SMS юборилса кифоя. Лаҳзалар ичида Агентлик маълумотлар базасидан ушбу автотранспорт воситасининг қайси фаолият тури билан ва қайси муддатгача пуғуллини ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида жавоб келади.

13-DARS. Giperbog'lanishdan nusxa olish

Internet muhitida veb-sahifalarga o'rnatilgan giperbog'lanishlardan u bilan bog'langan sahifalarga murojaat qilmasdan turib nusxa olish mumkin. Buning uchun:

Veb-sahifadagi giperbog'lanish o'rnatilgan jumla ustiga sichqoncha ko'rsatkichini olib keling;

Sichqoncha o'ng tugmasini bosing;

Paydo bo'lgan kontekst menyusidan "Копировать ярлык" amalini bosing. Ayrim internet brauzerlarda "Копировать ссылку" amalidan ham foydalaniladi.

Shundan so'ng ushbu giperbog'lanishdan o'z maqsadingizda, masalan, foydalanilgan adabiyotlar va resurslar ro'yxatini tuzishda yoki boshqa dasturlar orqali ushbu sahifaga murojaat qilishda foydalanishingiz mumkin.

14-DARS. Tarjimon saytlar

Agar internet tarmog'ida ishlash jarayonida xorijiy tillardagi ma'lumotlarga duch kelsangiz, ularning mazmunini anglash uchun tarjimon veb-saytlardan foydalanish mumkin.

- Sahifadan xorijiy tildagi matnini belgilang;

- "Правка/Копировать" menyusini bosing yoki klaviaturadan Ctrl+C tugmalar birikmasini bosing;

- Brauzerga tarjimon veb-sahifasini yuklang, buning uchun manzillar satriga translate.ru (yoki translate.google.com) manzilini kiriting va Enter tugmasini bosing;



- "Исходный текст" maydoniga sichqonchaning o'ng tugmasini bosing va "Вставить" amalini bajaring;

- Quyidagi chap ro'yxatdan matn tilini tanlang, masalan, "Английский";

- Quyidagi o'ng ro'yxatdan matn o'g'iriladigan tilni tanlang, masalan, "Русский";

- "Перевести" tugmasini bosing; Shundan so'ng "Перевод" maydonida kiritilgan matnning rus tiliga o'g'irilgan varianti hosil bo'ladi.

Дарслар Тошкент ахборот технологиялари университети мутахассислари томонидан тайёрланган

INFO-XABAR

Ucell Twitter xizmatini ishga tushirdi. Twitter Zero xizmati йўлга қўйилиши муносабати билан Ucell абонентлари мобил телефонлари орқали беула "twitt" хабарларини юборишлари, уларни ўқишлари ҳамда янгиликлар билан танишишлари, шунингдек, дўстлари орасидаги янгиликлардан доимо хабардор бўлишлари мумкин.

Ушбу хизматдан фойдаланиш учун <http://mobile.twitter.com> манзилини очиб кўриш.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ахборот-ресурс марказлари раҳбарлари Сурхон воҳасига ташриф буюришди. Улар уч кун давомида интеграциялашган босма ва электрон ресурслардан фойдаланган ҳолда мамлакат АРМлари фойдаланувчиларига янги босқичда хизмат кўрсатиш мавзусидаги республика амалий семинарида иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика илмий-педагогика кутубхонаси, Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси ва вилоят ахборот-ресурс маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир кўтаринки рух билан ўтди.

Меҳмонлар дастлаб Шарқнинг буюк алломаларидан бири — Ал-Ҳаким ат-Термизий мемориал мажмуасини зиёрат қилишди. Кўҳна шаҳар Термизнинг диққатга сазовор жойлари, ноёб тарихий ёдгорликлари ҳам уларни мафтун этди. Семинар иштирокчилари вилоят ахборот-кутубхона марказида тантанали кутуб олинди.

Семинар иши дастурга мувофиқ вилоят ахборот-ресурс марказининг "Инновацион тажриба майдончаси"да бошланди. Ҳамкасбларга Термиз шаҳри ва туман АРМлари фаолияти ақс этган видеороликлар намойиш этилди. "Президент асарлари", "Янги китоблар" ва "2013 йил — Обод турмуш йили" деб номланган кўрғазмалар ҳам йирилганларда катта таассурот қолдирди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдулла Тўрабоев катнашчиларни термизийлар юртига ташрифи билан табриклаб, тадбирга муваффақият тилади. Шундан сўнг Республика илмий-педагогика кутубхонаси илмий-услубият бўлими мудири Раиса Ратнер, Қорақалпоғистон Республи-

Барчаси болалар учун

Сурхондарёда республика амалий семинари бўлиб ўтди



каси, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари АҚМ раҳбарлари Зулфия Сейтниева, Хамид Тўракулов, Гулнора Турсунова, Жиззах вилоят АҚМ директори ўринбосари Акбар Абдукаримовлар ўзларининг мавзуга доир маърузалари билан чиқиш қилишди. Термиз шаҳри ва Бойсун тумани АРМлари бошлиқлари — Моҳидил Жумаева билан Солиҳон Пошшаевалар эса мактаб педагогика жамоаси билан ҳамкорликдаги ишлари ҳамда аҳоли турли қатламларига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг самарали усул ва шакллари доирасидаги тажрибаларидан сўзлашди.

Таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини янада сифатли ривожлантириш чора-тад-

бирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашда бундай амалий семинарлар муҳим ўрин тутди. Шу маънода электрон кутубхонани электрон ресурслар билан тўлдириб бориш борасида Сурхондарё вилояти бўйича анча сезиларли силжиларга эришилгани алоҳида эътироф этилди. Кейинги йилларда бевосита қарор асосида АРМ хизматлари такомиллаштирилган электрон каталоглар тузиш, электрон ресурслар асосида маълумотлар базасини ташкил этишга асосий эътибор қаратилмоқда. Энг муҳими, китоб жамғармаларидаги китобхоналар томонидан энг кўп сўраладиган адабиётларни электрон шаклга ўтказишга ўз вақтида киришилгани қувонарли ҳолдир. Аниқроғи, бу зарур иш 2012 йил учинчи чорагидан эътиборан давом эттирилмоқда. Қолаверса, икки йилдан буён китоб жамғармалари-

даги адабиётлар рўйхати электрон каталог хотирасига киритилиб келинапти. Ўз навбатида, вилоятдаги барча ахборот-ресурс марказларида мавжуд ресурсларнинг тўлиқ бўлишига эришиш мақсадида вилоят АҚМ янги ахборот технологиялари ва интернет синфи бўлими томонидан мониторинг олиб борилмоқда.

Тадбир иштирокчилари фаолиятта янада чуқурроқ ёндашиш мақсадида Қумқўрғон туман ахборот-ресурс марказида ҳам бўлишди. Хабибулла Раҳмонкулов бошлиқ жамоага тумандаги 33-умумтаълим мактабида етарли шартшароит яратиб берилгани уларни мамнун этди. Туман халқ таълим муссасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Салимжон Саидовнинг билдиришича, кишлоқ ёшлари камолотида АРМ ўрни яққол bilinmoqda. Вилоят билимдонларининг 23-25 март кунлари бўлган беллашувида қумқўрғонлик 9 нафар ўқувчи республика олимпиадасига йўлланма олди. Бу кўрсаткич билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Шу кунги Қумқўрғонда китобхоналар байрами доирасида "Бир фарзандга уч китоб" акцияси ҳамда "Китоб марафони" хайрия тадбири ўтказилди. Болта Ёриев, Мингнор Олломурад, Чори Матназаров ва Жуманазар Улугов каби ижодкорлар билан учрашув ҳам таассуротларга бой бўлди.

Республика амалий семинари катнашчилари Сурхон сув тўғонига сайр қилишди.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Xabar"нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири

Яхшидан қолган боғ

Ҳаётда шундай одамлар бўладики, ўзига берилган озгина умрни ёниб яшаб, эл манфаати йўлида елиб-югуриб ишлаб ўтказадилар ва кўлидан келганича атрофдагиларга яхшилик қилишга ҳаракат қиладилар. Бундайларни вафотларидан кейин ҳам одамлар узоқ вақт давомида яхши ном билан ёслайдилар, эзгу ишларини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатадилар.



Бу борада таълим соҳасида ишлаганларнинг мартабалари янада юқорироқ бўлади, албатта. Алоқа соҳаси фидойиси, соҳа ривожига катта ҳисса қўшган ва қўшаётган юзлаб алоқачиларнинг сеvimли устози Эркин ака Нуритдинов ана шундайлардан бири эди.

Э.Нуритдинов 1935 йили Кўкон шаҳрида дунёга келди. Болалик йиллари Иккинчи жаҳон урушининг азобли йилларида тўғри келган болакай, барча қийинчиликларга қарамай, мактабда аъло баҳоларга ўқиди ва 8-синфини тугатиб, Тошкентдаги тўқимачилик техникумига ўқишга кирди. 1954 йили техникумини битириб, Трамвай-троллейбус депосида техник-электрик вазифасида иш бошлади. 1956

йили эса Тошкент электротехника алоқа институтига лаборант бўлиб ишга ўтди. Ишлаш жараёнида алоқачилик касбига меҳри тушган ёш мутахассис 1957 йили институтнинг кечки бўлимига ўқишга кирди. Ҳам ишлаб, ҳам ўқиш унга назарияни амалиёт билан қўшиб олиб бориш имконини берди ва соҳага оид билимларни чуқур эгаллай бошлади. Ишда эса хизмат поғоналари сари юқорилай бошлади.

1961-1965 йиллар давомида лаборатория бошлиғи, сўнггра автоматика ва кўп каналли алоқа факультетида ассистент, декан ўринбосари бўлиб ишлади. Эркин акадаги ўзига ва ўзгаларга талабчанлик, фидойиликни кўрган соҳа раҳбарияти 1967

йилда уни Тошкент алоқа политехникумига директор ўринбосари лавозимига ўтказишди. 1970 йилдан бошлаб умрининг охирига қадар у шу ўқув муассасаси директори лавозимида фаолият юритди. Афсуски, бешафқат ўлим тиниб-тинчимас, билимли, ташкилотчи бу инсонни 1996 йилнинг 14 апрелида алоқачилар сафидан олиб кетди.

— Раҳматли Эркин Нуритдинов қобилиятли ва ташкилотчи раҳбар, талабалар ва ёш ўқитувчиларнинг чинакам гамхўри эди, — дейди у киши билан узоқ йиллар бирга ишлаган ҳамкасби Зиёд ака Ғиёсов. — Бугун алоқа соҳасида ишлаётган раҳбар ва мутахассисларнинг кўпчилиги у кишининг шогирдлари эди. У жамоани янги марралар сари руҳлантира олар, ўқитишнинг янги услубларини жорий этишга кенг йўл очар, касбига меҳр қўйган ўқитувчиларни кадрлай билар эди. Унинг раҳбарлик даврида ўқув юрти моддий-техник базаси яхшиланиб, қўшимча лаборатория ва устахоналар, ётоқхона бинолари қуриди, янги асбоб-ускуна-

лар олинди. Эркин ака ўша даврларда Тошкент шаҳар ўрта-махсус ўқув юртлари директорлари кенгаши раиси сифатида ҳам кўпгина ишларини


амалга

оширди.

Биз жамоадолари ўқув даргоҳимиз собиқ иттифоқ миқёсида олдинги ўринда эканлигимиз билан фахрланардик.

Э.Нуритдиновнинг кўп йиллик фидокорона меҳнатлари соҳа раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланди. У қатор орден ва медаллар ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган алоқа ходими фахрий унвонлари эгаси эди. Бугунги кунда унинг ҳам ҳаётдаги, ҳам жамоадаги хамроҳи, ярим асрга яқин вақт давомида Тошкент алоқа касб-хунар коллежида ўқувчиларга кимё фанидан сабоқ бериб, айни пайтда кексалик гаштини суратлаган Раъно опа Фармонова ҳамда уч нафар ўғли, юзлаб шогирдлари Эркин ака бошлаган эзгу ишларни давом эттиришмоқда. Демак, Эркин акадан қолган боғ гуллаб-яшнамоқда.

М.ИДРИСХЎЖАЕВА



Видеоқароқчилар

Замонавий технологияларнинг шиддат билан ҳаётимизга кириб келиши ахборотнинг кенг камровда қулай ва эркин ёйилишига хизмат қилмоқда. Аммо, шולי курмаксиз бўлмаганидек, замонавий ахборот технологияларидан мўмай даромад илинжида фойдаланиб қолишга уринувчи кимсалар ҳам йўқ эмас. Хусусан, бугун мамлакатимиз ва хорижда тайёрланган филмлар, турли концертлар ва бошқа материалларни ноқонуний равишда кўпайтириб сотаётган видеоқароқчилар муаллифликка оид ҳуқуқларни кўпол равишда бузаётганликларини ёки бўлмаса хорижий ур-йикит, шовкин-суронли ва баъзида беҳаё филмларини кенг тарқатиш орқали ёшларимиз маънавийига жиддий путур етказишгаётганини ўзлари билишармикин?

Тошкент вилояти божхоначилари айна пайтда мамлакатимиз ва хорижда тайёрланган филмлар, турли концертлар ва бошқа материалларни ноқонуний равишда кўпайтириб, муаллифликка оид ҳуқуқларни кўпол равишда бузаётган видеоқароқчиларга қарши қаратилган чора-тадбирларни мунтазам олиб боришмоқда.

Хусусан, Тошкент вилояти божхона бошқармаси томонидан аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари давомида қонунбузарлардан олиб қўйилган сифати кафолатланмаган турли видео махсулотлар, шунингдек, хорижий инсон руҳиятига салбий таъсир этувчи ур-йикит, шовкин-суронли ва баъзида беҳаё фильм ва концертлари ёзилган дискларни кенг жамоатчилик иштирокида йўқ қилиш тадбирлари ташкил этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўтган 2012 йил

давомида республикаимиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 209та қонунбузарлик ҳолатларида 9,2 минг дона турли мазмундаги лицензияланмаган дискларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бу кўрсаткич 25та қонунбузарлик ҳолатида 300 донани ташкил қилди. Ушбу ашёвий далиллар ўрнатилган тартибда ва кенг жамоатчилик иштирокида йўқ қилинди.

Жумладан, қўшни давлатдан "Ғиштқўприк" чегара божхона комплекси орқали пиёда ҳолда юртимизга кириб келаётган фуқаро Н.Турсунова ўзи томонидан тўлдирилган Т-6 шаклидаги божхона декларациясида кўрсатмасдан туриб, 200 дона хорижий видеофилмлар ёзилган контрафакт DVD дискларни олиб киришга уринган пайтда тўхтатиб қолинди.

Шунингдек, ушбу божхона комплекси ходимлари фуқаро И.Тошбоевнинг ноқонуний ҳаракатларига нукта қўйилди. Қаранг-ки, юртимизга кириб келаётган ушбу шахс 150 дона турли мазмундаги, шу жумладан, беҳаёликни тарғиб қилувчи хорижий филмлар билан тўлдирилган 42 дона контрафакт DVD дискни яширин йўллар билан олиб киришни кўзлаган экан.

Мазкур ҳолатлар юзасидан ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Тошкент вилояти божхона бошқармаси томонидан мазкур йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда.

Тошкент вилояти Божхона бошқармаси ахборот хизмати

Эълон!

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан Азизилло Зулунов номига 2012 йилда берилган 5321112 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси жамоаси "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Рустам Қосимовга волидаи муҳтарамаси **НАСИМА АЯНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қорақалпоғистон Республикаси махсус алоқа боғламаси жамоаси "Республика махсус алоқа боғламаси" ДУК бошлиғи Мирқомил Мирносировга отаси **МИРҲАЙДАР отанин**г вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ марказий аппарати ва жамият филиаллари, "Матбуот тарқатувчи" АК жамоалари, "Xabar" газетаси тахририяти Рустам Қосимовга онаси **НАСИМА АЯНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"Матбуот тарқатувчи" АК Кузатов кенгаши ва жамоаси Андижон вилояти "Матбуот тарқатувчи" МЧЖ директори М.Раҳимовга акаси **Обиджон РАҲИМОВНИНГ** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

"УНИВЕРСИАДА-2013":

тайёргарлик қизғин

Жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шу боис ҳам мамлакатимизда спорт соҳасида эришилаётган ютуқлар салмоғи тобора ошиб бормоқда ва дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Бунда олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилаётган универсиада мусобақаларининг аҳамияти бекиёсдир.



Шу кунларда Фарғона вилояти олий ўқув юртларида "Универсиада-2013" спорт мусобақаларига тайёргарлик кизгин паллага кирди. Машғулотлар барча шарт-шароитлар муҳайё этилган ТАТУ Фарғона филиали, Фарғона политехника институти, Фарғона олимпия захиралари спорт коллежи, "Кимёгар" ва "Нефтчи" спорт мажмуаларида олиб борилмоқда. Ўтган йилнинг декабр ойидаги иккинчи босқич мусобақаларида умумжамоа ҳисобида Фарғона Давлат университети 1-ўрин, Қўқон Давлат педагогика институти 2-ўрин, Фарғона политехника институти 3-ўрин, Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали 4-ўрин, ТАТУ Фарғона филиали 5-ўринга сазовор бўлган эди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, беллашувларда бешта олий ўқув юрти талабаларидан 650 нафари иштирок этиб, уларнинг аксарияти Ўзбекистон терма жамоалари аъзоларидир. Улар орасида Сардор Умаров, Алишер Қаримов, Василий Хмелевский каби енгил атлетикачилар, Мухаммадзиз Қаюмов ва Улғубек Раҳмонов каби дзюдочилар, сузиш бўйича Зиёджон Мирзаев, Феруза Ғуломова ва Малика Абдуқодировалар, футболчи Ислонбек Тўхтаҳўжаев ва Павел Смоляченколар бор. Бу рўйхатни яна давом эттириб, ТАТУ Фарғона филиалидан Темурбек Қўчқоров (кураш), ҚДПИдан Достон Сайдалиев (енгил атлетика), Жамшид Қудратов (белбоғли кураш), ФарПИдан Олимжон Тоштемиров (шахмат), Сардор Зокиров (сузиш), Сардор Мирзаев (футбол), Алишер Алиев (дзюдо)ларнинг номларини фахр билан тилга олиш мумкин.

— Хозирда спортчи талабаларимиз бир кунда икки маҳалдан машғулотларда қатнашишяпти. Ҳаммалари ўз олий ўқув юртлари томонидан ижтимоий ҳимояга олингани жуда соз бўлди, — дейди ФарДУ "Талаба-спорт" клуби раиси Қодиржон Жабборов. — Колаверса, вилоят ҳокимлигининг ҳам универсиадачиларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани талабаларимизнинг руҳиятини ниҳоятда кўтариб юборди. Жамки саъй-ҳаракатлар галабага қаратилган. Ният битта — Бухородан ёруғ юз билан қайтиш.

Бугун мураббийларнинг кайфиятлари ҳам аъло даражада. ФарПИ "Жисмоний тарбия ва спорт" кафедраси мудири Абдулла Абдуғафоров билан бўлган суҳбатимиз ҳам жуда мароқли кечди. "Бир вақтлар мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида мини-футбол бўйича олий лигада қатнашганимиз, — дейди у. — Мана, яна ўша даражаларга етиш учун ҳаракатларни бошлаб юбордик. Юртбошимиз томонидан болалар спортига эътибор қучайтирилгани ўз мевасини бераётгани бизнинг фаолиятимизда ҳам кўриниб қолди. Бир неча йилки, институтиمиз жойлашган ҳудудларда "Жўйдан", Нодирабегим каби МФЙларнинг болаларини тўғарақларга жалб этиб, ёш спортчиларни қаторга қўшиб келамиз. Уларнинг бир қанчаси улгайиб, олий ўқув юртлари талабалари бўлишди ва универсиадага борадиганлари ичида маҳалладан чиққан шогирдимиз Даниил Ли матонати ва иродаси билан ажралиб турганидан ҳақли равишда гурурланасак арзийди.

Шарқшунослик институти халқаро иктисодий алоқалар факултети ҳамда ФарДУ жисмоний тарбия факултетида тахсил олган, ўн йил мобайнида баскетбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси бўлган Фарғонанинг энг зукко спортчи кизларидан бири Азизахон Саидованинг бутун фикри-зикри Бухорода қозонилажак галабалар билан боғлиқ. Унинг энг эзгу мақсади — спорт бўйича жаҳон тажрибасини ўз фаолиятига муваффақиятли татбиқ этиб, юксак натижаларга эришиш.

Енгил атлетикачи мураббий Руслан Изетовнинг шижоатига ҳам кўз тегмасин, дейсиз.

— Кун-тун "Тўқимачи" спорт мажмуасида машғулотлар билан машғулмиз, — дейди у. — "Нефтчи" спорт мажмуасида ҳам шуғулланиш режамизда йўқ эмас. Ишонамизки, нуфузли майдондаги машқлар кучимизга куч қўшиб, юксак ютуқларимизни таъминлайди.

Хафиза САЛЯХОВА,

"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги муҳбири

Миннатдорлик хати

Ушбу миннатдорлик хатини биз алоқа ходимлари семимли газетамиз "Xabar" орқали 70 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Сўх тумани аҳолиси номидан Фарғона вилоят телерадиокомпанияси раҳбарияти ижодий жамоасига етказишни истардим. Сабаби, кейинги пайтларда туманимизда, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинида юз бераётган янгилик, воқеа-хабарлар, байрам тадбирлари Фарғона телеканалининг "Жараён", "Ахбор", "Хабарлар" дастурида тезлик билан томошабинлар эътиборига етказилмоқда. Телевидение жамоаси ижодига барака, омад, баҳорий кайфият тилаб қоламиз.

Асқарали АНБАРЖОНОВ



ХАСБИ ҲОЛ:

Шокир **ТОЖИБОЕВ** 1934 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Мактабнинг 7-синфини битириб, Тошкент алоқа техникумида, сўнгра 1954 йилдан Новосибирск электротехника алоқа институтида, 1966-1969 йилларда Москва электротехника алоқа институти аспирантурасида таҳсил олиб, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. Меҳнат фаолиятини 1960 йили Тошкент телевизион марказида кўчма телевизион марказ муҳандислигидан бошлаб, бош муҳандис ва икки йил давомида марказ директори лавозимида ишлаган. Унинг ТАТУдаги меҳнат фаолияти 1969 йилдан бошланди ва катта ўқитувчи, 1970 йилдан "Телевидение ва радиозштитриш" кафедраси мудири, 1980 йилдан радиоалоқа, радиозштитриш ва телевидение факултети декани, 2006-2011 йиллар мобайнида Амалий ўқув маркази раҳбари, 2011 йилдан бошлаб "Электроника" кафедраси профессоридир.

ТИЛ ҲАМ ҲАМ — дунёга дарча очишдир

— Эшитишимизга қараганда, кеча аттестациядан ўтибсиз. Умрини талабаларга сабоқ беришга бағишлаган устоз, фан номзоди ва профессор учун аттестациядан ўтиш шартиники?

— Аттестация ҳар кимнинг ўз вазифасига қай даражада лойиқлиги, билим даражасини аниқлашга имкон берадиган жараён. Шу маънода олиб қараганда, биз кабилар учун бу, айниқса, керак. Дарс ўтиш учун аудиторияга кирар экансиз, талабанинг қимматли вақти беҳудага кетиши мутлақо мумкин эмаслигини ҳис қилиб турмоқ лозим. Аттестацияга тайёргарлик жараёнида эса истаисизми-истамаисизми биланларингизни такрорлашга, мустаҳкамлашга ва кун сайин янгиланиб бораётган ўзгаришларни ўрганишга мажбур бўласиз.

— Қирқ тўрт йиллик ҳаётингиз Тошкент ахборот технологиялари университети билан боғлиқдир. Шу йиллар ичида нималарга эришдингиз?

— Инсон қайси соҳа вакили бўлишдан, қаерда ишлашидан қатъи назар ҳамкасблари ўзидан кейин яхши ном билан эслашлари учун ҳаракат қилмоғи керак. Ишга шунчаки келиб-кетиб билан бу нарсга эришиб бўлмайди. Шу сабаб бўлиб ҳамда талабаларнинг соҳага қизиқишларини қучатириш мақсадида 1970 йилда Телевидение илмий лабораториясини ташкил қилдим. 40 йил давомида телевидение ва биоэнергетика бўйича илмий тадқиқотлар олиб бордим. Натيجида соҳага оид 22та китобим, 200дан ортиқ илмий ва услубий мақолаларим чоп этилди. Ҳар бир мавзунини тушунириш учун сотиб олган кўргазмаларни курулларим сони 1000тадан ошди ва соҳага оид асбоб-ускуналардан иборат бутун бир коллекция пайдо бўлди. Буларни чиройли жойлаштириб, кичик музей ташкил қилса ҳам бўлади. Зеро,

уларда университетимиз тарихи ўз аксини топган.

— Фарзандларимизга чет тилларини ўргатиш бугунги кунда ҳукумат эътибори даражасига кўтарилди. Бу борадаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Тил ўрганиш дунёга дарча очиш билан баробардир. Хориж тилини қанча яхши ўргансангиз, бу дарча шунчалик кенгайверади. Чет тилини, шунингдек, халқаро мулоқот воситаси ҳисобланмиш инглиз тилини нафақат болалар, балки катталар ҳам пухта ўрганса фойдадан холи бўлмайди, айниқса, бизнинг соҳа вакиллари. Аслида тил ўрганишда қийинчиликдан қўчимаслик керак. Бунга ўзим билан бўлган воқеани мисол қилишим мумкин. Алоқа техникумини битирганимдан сўнг Новосибирск электротехника алоқа институтига йўлланма беришди. Кириш имтиҳонларидан ўтгач, дарслар бошланиб кетди. Ҳаммаси рус тилида. Эски шахарда ўсган бола эмасманми, рус тилини деярли билмайману лекин ўрганишга иштиёқим баланд. Дарсларни диққат билан тинглашга ҳаракат қиламан. Шу тариқа икки ой ўтди. Кейин онгимда қандайдир ўзгариш рўй берди: мен рус тилида фикрлай бошладим. Ва кўп ўтмай дарсларни тушунадиган ва жавоб берадиган бўлдим. Пировард натижа шу бўлдики, китобларимнинг 17тасини рус тилида ёздим. Демокчанки, тил ўрганишга астойдил ҳаракат бошлаган инсон уни тезда ўрганиб олишига ишончим комил.

— Фарзандларингиз нечта тилни билишади?

— Уч нафар фарзандим бор. Каттаси Сардор алоқа соҳасини танлаган. Қизим Гулнора биология фанлари доктори. Док-

Бу ТАТУ профессори Шокир ТОЖИБОЕВнинг фикри

торлик диссертациясини Японияда ҳимоя қилди. Кенжам Жаҳонгир ҳам алоқачи. Ҳозирда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида ишлайди. Улар рус, инглиз, немис ва япон тилларида бемалол мулоқот қилишади.

— Соҳанинг етуқ мутахассиси сифатида телевидениенинг келажагини қандай тасаввур қиласиз?

— Аввало шунини айтиш керакки, кейинги пайтда телевидение, умуман, алоқа соҳасида инқилобий ўзгаришлар рўй берди — бу рақамга ўтишдир. Масалан, рақамли телевидениега ўтиш орқали ечимни кутиб ётган кўплаб муаммолар ҳал бўлди. Муаммо шунда эдики, эфир электромагнит тўлқинларига тўлди. Бу ҳолат тўсиқлар ва ҳалақитларнинг кўпайишига олиб келди ва оқибатда овозлар хиралашиб, тасвир ёмонлашди. Шу ҳолатда рақамли телевидениега ўтиш орқали узатиладиган сигналларни квантлаб, турли ҳалақитлардан ҳимоя қилиб, эфирга узатишга, битта канал орқали кўплаб дастур жўнатишга муваффақ бўляпмиз. Ривожланиш шу шиддат билан давом этса, ҳадемай виртуал телевизорлар пайдо бўлиши ҳеч гап эмас.

— "Xabar" ўқувчиларига тилакларингиз.

— Газета ўқувчилари сони янада ортаверсин. У ҳар бир алоқачининг хонадонига кириб боришини, соҳа фидойилари доимо соғ ва омон бўлишларини истардим.

Муборак **МИРКАМОЛОВА** суҳбатлашди

SO'RANG, JAVOB BERAMIZ!

КУМУШ ТАКИНЧОКЛАР НЕГА ҚОРАЯДИ?

— Анчадан бери тақиб юрган кумуш узугим негандир қорайиб кетди. Бунга нима сабаб бўлиши мумкин?

Юлдуз **ҚОРИЕВА**
Миробод тумани

— Бу танангизнинг бирор қисмида содир бўлган ўзгаришдан далолат. Зеро, тақиб юрилган кумуш бўломларнинг ҳолатига қараб саломатлигининг қай даражада эканлигини аниқлаш мумкин. Лекин, баъзи таҳминларга кўра, айрим ҳолларда кумуш узук, зирак ва занжирларнинг қорайишига бирор нарсадан кўрқиб ёки кайфиятнинг ёмонлашиши сабаб бўлиши мумкин. Лекин бу ҳали илмий исботини топмаган.

Шуниси қизиқки, кумуш такинчок баъзида оқариб ҳам кетади. Америкалик олимларнинг фикрича, бу ҳолат буйракда бирор касаллик борлиги белгисидир. Гап шундаки, буйракда муаммо бўлса, тана азот кислотаси ишлаб чиқаради ва бу кислота тер орқали теридан ташқарига чиқиб, кумуш билан реакцияга киришади ва натижада металл ранги оқаради.

Маслаҳатим, УТД текширувидан ўтиб, танангизда қандай касаллик борлигини аниқланг ва олдини олишга ҳаракат қилинг.

Ғайрат **МУХАТОВ**,
шифокор

Табриқлашмиз!

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси жамоаси Инспекциянинг Фаррона вилояти худудий бўлимаси бошлиғи Муминжон Рафқовини 50 ёшга тулгани муносабати билан муборакбод этиб, мустаҳкам соғлиқ, шилларига муваффақият тилайди.

"Ўзбекистелеком" АК Қашқадарё филиали Қашқар телекоммуникациялар боғламаси жамоаси ШТБ кабелчи-пайвандчиси Қўдош ХУҶАМОВНИ 55 ёши билан табриқлайди. Унга сиздат-саломаатлик, узук умр тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фаррона филиали жамоаси Мариялон ҳаёда Яйлан ПАТ ходимлари Абдулазиз МАМАЖОНОВ ва Орифжон МУЛЛАЖОНОВларни 55 ёшлари, Навбахор ва Данғара ПАТ ходимлари Хурсаной САИДОВА ва Муқийон МАМАТАЛИЕВларни 50 ёшлари билан чин дилдан табриқлайди. Уларга энг яхши тилакларини йўлайди.

<p>Xabar МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусанд КУЧИМОВ</p>		<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайбат раиси), Махсум МАХМУДОВ, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Сувои НАЖБИДИНОВ, Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлангани мумкин. Наشرينдан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўричилиги таҳририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдор шоҳруҳчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Набатчи: Усмоножон ЙҮЛДОШЕВ.</p>										
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>		<p>Газета ҳафтанинг жума кунини чиқари</p>		<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>		<p>Г-452 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ. Алади: 15750 нусха.</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Бошишта топширилди — 20.00. Бошишта топширилиш вақти — 20.00.</p>						
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>		<p>Андижонда 226-47-80</p>	<p>Бухорода 223-27-85</p>	<p>Гулistonда 40-12-19</p>	<p>Жиззахда 226-06-34</p>	<p>Навоийда 225-91-10</p>	<p>Наманганда 232-97-86</p>	<p>Нукусда 554-35-45</p>	<p>Самарқандда 233-61-81</p>	<p>Термизда 224-06-12</p>	<p>Тошкентда 288-40-66</p>	<p>Урганчда 226-37-16</p>	<p>Фарғонада 224-18-05</p>	<p>Қаршида 931-08-99</p>